

42 (982)-сон

13 — 19 октябрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz



3

Васила Каримова:
**ЙИГИТНИНГ ОРИ
БЎЛСИН**



4



6

**20 ЙИЛДА
ТУФИЛГАН
ЧАҚАЛОҚ**

БЕОЗОР МУСИЧА



8

**БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ
БЎЛМАЙДИ**



ЎЗБЕК АБРБАНДИ ДУНЁ НИГОҲИДА!

Кўхна ва азим пойтахтимиз бир неча кундан бери ажойиб маданий тадбирларга мезбонлик қилаётир. Маълумки, “Art Week Style.uz — 2010” ҳафталиги “TashkentALE” бешинчи халқаро Тошкент фотобиеннаlesi билан бошланди. Ушбу йирик лойиҳалар “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Беш йилдан буён маданият, санъат ва мода йўналишида ўтказиб келинаётган ҳафталик доирасида ташкил этиладиган қатор хайрли тадбирлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.



“ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азвоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган мухтарам муштарийлар!


Шу йилнинг 1 сентябрдан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?



ИНДЕКС: Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177

Нодира ДАДАМУХАМЕДОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2010 йилги ғолибаси, В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 8-синф ўқувчиси:

— Ҳозиргача эришган муваффақиятларим илк дебоча деб уйлайман. Мен учун энг жиддий имтиҳонлар энди бошланяпти. Албатта, энг муҳими, меҳрибон ва бағрикенг устозларимнинг ишончини оқласам, мен каби яна неча юзлаб, минглаб иқтидор эгаларига алоҳида эътибор қаратиб, ғамхўрлик кўрсатаётган она Ватанимизга муносиб хизмат қилсам, ўзимнинг фарзандлик бурчимни шараф билан оқласам, ана шундагина бахтлиман десам арзийди.



Мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда баркамол авлоднинг ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ғамхўрлик кўрсатиш йўлида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис ҳам иктидорли ва истеъдодли ёшларимиз эришаётган муваффақиятлар салмоғи йил сайин ортиб бораётди.

В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 8 синф ўқувчиси Нодира Дадамухамедова саккиз ёшидан бошлаб халқаро танловларда иштирок этиб, Франция, Греция, Италия, Руминия, Эстония, Португалия, Украина каби давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда бош совринларни кўлга киритган.

Алла КИМ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Нодиранинг устози.

— Нодира биринчи синфга келгандаёқ ўзининг зийраклиги билан ажралиб турарди. 8 ёшида Грецияда ўтган танловда 2-ўринни кўлга киритди. Бугунги кунга эса 10 та нуфузли халқаро турнирларда совриндор бўлиб қайтган. Устоз учун ўқувчисининг ютуқларидан ортиқроқ мукофот борми дунёда. Унинг келажақда мусиқа соҳасида самарали ижод қилишига ишонаман. Бунинг учун унда етарлича истеъдод ҳам, имконият ҳам бор.

Боладаги илк қизиқиш, орзунинг камол топишида оиладаги муҳит ҳам муҳим аҳамиятга эга экани ҳеч кимга сир эмас. 15 ёшидаёқ бошқа тенгқурларига нисбатан кўпроқ муваффақиятларга эришган Нодира ҳақида унинг онаси Гулнора опани саволга тутамиз.

— Қизингизнинг илк ютуғини эшитганда ўзингизни қандай ҳис этгансиз?

— Йиллаганман. Ҳанда Нодира саккиз ёшда эди. Греция-

да халқаро танловда иккинчи ўринни олган, кўзида қувонч порлаб турарди... Унинг бахтиёр чехрасини кўриб, беихтиёр кўзларимга ёш келган. Халқаро танловларда ҳамisha у билан

эртадан кечгача пианино олдида ўтирмайди. Биласиз, ўзбекчиликда киз боланинг баркамол бўлиб ўсиши учун уй юмушларига уқули бўлишига ҳам эътибор қара-

✓ **БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ**

деб, боланинг олдига турли хил чекловларни қўявериш ҳам тўғри эмас. Болага ниманидир

— Мен ўзимни ҳар доим эркин ҳис этганман. Истаган пайтда ўртоқларим билан ўйнаганман, керак пайтда шўхлик ҳам қилганман. Уй юмушларига ҳам вақт ажратаман. Дарсларим кўпайиб кетганда, ойм мени тўғри тушунадилар. Маслаҳат берадиларми, қойийдиларми, менинг фойдамни кўзлаётганларига юз фоиз ишонаман. Айтмоқчиманки, ҳар бир қиз ўз отасининг эркаси, деб ўйлайман. Менга ҳам ота-онам ўз вақтида тўғри йўналиш беришгани туфайли шунча ютуқларга эришдим.

— Нодира, сизнинг мусиқада бўлак яна бошқа қизиқиларингиз ҳам бор экан. Яъни, компьютер технологияларини жиддий ўрганаётган экансиз. Келажақдаги режарларингиз қандай?

— Энг аввало, мусиқа соҳасидаги билимларини янада мустаҳкамламоқчиман. Ҳозиргача эришган муваффақиятларим илк дебча деб ўйлайман. Мен учун энг жиддий имтиҳонлар энди бошланаяпти. Албатта, энг муҳими, меҳрибон ва баррикенг устозларим ишончини оқласам, мен каби яна неча юзлаб, минглаб иктидор эгаларига алоҳида эътибор қаратиб, ғамхўрлик кўрсатаётган Ватанимизга муносиб хизмат қилсам, ўзимнинг фарзандлик бурчимни шараф билан оқласам, ана шундангина бахтлиман десам арзийди.

✓ **Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА суҳбатлашди.**

СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2010 йилги ғолибаси, В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 8-синф ўқувчиси Нодира Дадамухамедова бувиси Каромат ая билан.

НОДИРАНИНГ НОДИР ИҚТИДОРИ

бирга бўлишга интиламан. Охириги икки танловда сафарга бирга боролмадим.

— Шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлиш ҳар бир иктидорли қизнинг азалий орзусига айланиб кетган десак, муболага бўлмайди. Нодиранинг ҳам ана шундай нуфузли мукофотга муносиб кўрилиши, албатта, бежиз эмас ва табиийки, бу йўлда унга сизлар ҳам яқиндан қўмақлашгансизлар. Тўғрими?

— Бу борада очик айтишим керак, кўпроқ унинг ўзи интилади, изланди ва ниҳоят, ўз орзусига эришди ҳам. Дадаси билан бирга Нодиранинг мусиқага бўлган қизиқишини кўллаб-қувватлади. Ютуқларида В. Успенский номидаги мактабда яратилган ажойиб ижодий муҳитнинг, устози Алла Антоновнинг хизматлари беқийёс. Ўзингиз биласиз, мамлакатимизда истеъдодли ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шукрки, Нодира ҳам ана шу эътибордан четда қолмади. Биз эса унинг ўз устиди ишлаши учун кўпроқ имконият бердик, холос.

— Демак, у асосий вақтини мусиқа билан шугулланишига сарфлар экан-да?

— Албатта, лекин бу дегани



тилади. Устига-устак Нодира компьютерга қизиқади. Яхши баскетбол ўйнайди. Биз болаларнинг вақтини ёшлигидан тўғри тақсимлашга одатланганмиз. Ўз вақтида телевизор кўришадди, вақтида дарс қилишадди. Компьютер билан шугулланишга ҳам вақт топишадди. Менимча, ҳозир кўпчилик ота-оналар шу йўсинда тарбия беришяпти.

— Қатъий режа болаларни зада қилиб, қизиққан соҳасидан бездириб қўйди деган фикрга қандай қарайсиз?

— Бунга тўла қўшиламан. Каттиққўллик қилиш керак экан,

таъқиқлашдан аввал унинг фойда-зиённи тўғри тушунтириш керак. Унинг қизиқишини кўллаб-қувватласангиз, орзу-истакларига қизқсангиз, шунга яраша шароит яратиб берсангиз, у бошқа нарсаларга беҳуда вақт сарфламайди.

— Нима деб ўйлайсиз, фарзандингиз олдига маълум бир максатни қўйган ота-она унинг шўх-шодон ва ўзига хос эркаликларини ҳам тортиб олмасмикан?

— Майлими, шу саволингизга мен жавоб берсам, — дея суҳбатга қўшилади Нодиранинг ўзи.

ҲАФТАЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биз бугун мазкур анжуманга ташриф буюрган маданият ва санъат намоёндаларидан айримларининг ижоди хусусида сўз юритмоқни лозим топдик.

“МУХЛИСЛАРИМ УЧУН КЕЛДИМ”

... Кўзни кўлам қамаштирмайдиган майин ёруғлик таралиб турибди. Дам-бадам фотоаппаратларнинг чиқилган овозлари эшитилади. Бинога йилганлар атроф сокинлигини бузмаслик учунми, паст овозда сўзлашишарди. Баланд бўйли, малла соч киши телекамералар билан қуршаб олинган. Ташкент Фотосуратлар уйига илк мартаба келган ҳар қандай мухлисни “фотоолам қироли” сифатида тан олинган италиялик Марко Перегонинг инсоний ҳис туйғуларини ўз ижод намуналари орқали ёрита олган ижодкор асарлари ҳайратга солиб қўяди. Ҳеч бир шарҳ ё изоҳ талаб қилмайдиган бу фотосуратлар қаршига келганлар бир зум ўз хаёлот дунёси билан қолади ва... Сўнг эса Марконинг ёнига шошилишадди. У италиянча ажойиб лутф билан секингина «Мен тошкентлик мухлисларим учун келдим!» — деб қўл силкиб қўяди...

КАТРИН ОРОЛНИ КЎРМОҚЧИ...

Миллий санъат марказида эса франциялик расом, фотосуратчи ва пластик Катрин Метэннинг шахсий кўргазмаси иш бошлади. Унда деворий суратлар, фотосуратлар йиғмаси, инсталляциялардан иборат ўнлаб асарлар қўйилган. Унинг оддий ва қутилмаган номдаги асарлари замонавий талқинларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Ранглар ва аниқ кесилган чиқилар, қоғоз ва пластика уйғунлашуви, соябонлар — буларнинг бари Атлантика океанидаги кичик оролда исти-

қомат қилувчи аёлнинг сирли тасаввурларга бой олами оғиб беради. Катриннинг айтишича, у шу бахонада Орол денгизини ҳам ўз ижодида акс эттириш учун Ўзбекистонга ташриф буюрибди. Унинг ижоди фотоарт соҳасида ўзига хос бурилиш ясаган. Ўзбекистон халқ расоми Акмал Нур Катрин дунёни ўзгача қабул қилишини унинг асарлари орқали англаб олиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

ЎЗБЕК АБРБАНДИГА «БРИТАНЧА» НИГОҲ

Бир мамлакатнинг аънавий матоси, либоси, бичим ва андозаларининг бор жилосини бир бутунликда тақдим этиш қийин масала. Энди, икки турли маданиятнинг 4 донга либосда намоён бўлишини тасаввур қилиб кўринг. Катта муваффақият ва эътибор қозона олган мана шундай тўплам давом этаётган ҳафталик доирасида мода илосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Ёшлар ижод уйининг иккинчи қаватидан ўрин эгаллаган Basso&Brooke дизайнерлик дуэтнинг кўргазмаси йилганларда унутилмас таассурот қолдирди. Либослар аънавий ўзбек матолари — абрбандидан тикилган бўлиб, уларни британиялик дизайнларнинг ўзига хос услубда туширилган нақшлари безаган. Мазкур кўргазма Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги халқаро муносабатларнинг жипслигини аққол намоён этиб турибди, десак янглишмаймиз. Либослар фони ҳам ўзгача услубда бўлиб, ҳаттоки, уларни бир-биридан ажратиш турувчи «тўсиқлар» ҳам тўплам руҳиятига мос равишда нақш туширилган матодан ишланган.

“Art Week Style. uz—2010” ҳафталиги 14 октябргача давом этади.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

МУҲИМИ — ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

✓ **ФХД**

Юртимизда ёшларга ҳар жабҳада юксак эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар нақадар кенг кўламли эканини биргина «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш учун 8 триллион сўмга яқин маблағ сарфланганидан билишимиз ҳам мумкин. Шу ўринда қайд этиш керакки, республикамиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлганлар, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Демак, ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этиш долзарб аҳамиятга эга.

Бугунги кунда вилоятимизда 141 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда 150 595 нафар ўқувчи, 5 та олий ўқув юртида 20842 нафар талаба таҳсил олмақда. Уларни нафақат энг замонавий билимларга эга, жисмоний ва маънавий соғлом, балки ҳуқуқий савияси ҳам юқори авлод қилиб тарбиялаш лозимки, бу чин маънода баркамол авлод бўлиб етишишлари учун муҳим омил бўлади. Бинобарин, қонунлар доирасидагина фаолият юритиш ҳуқуқий маданиятнинг ўзагидир. Уларга кўр-кўрона эмас, балки онгли равишда, ўз хоҳиш-истаги билан итоат қилиниши зарур. Фарзандларимизнинг юртимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари маъно-мазмунини англаб етиши бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятимиз ФХД органларида ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар мактаби»да касб-ҳунар коллежлари ва никоҳланувчи шахсларга репродуктив соҳаматлик ва тиббий кўриқнинг аҳамияти билан бирга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ҳам тушунтириш ишлари олиб бориляпти. ФХД органлари мактаб, коллеж ва маҳалла фуқаролар йиғинларида эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, ноғирон ва туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш ва, албатта, қонуний никоҳдан ўтиш шартлиги ва унинг афзалликлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмақда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаро, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳамжихатлини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини такомиллаштириш ишлари ёшлар орасида бошланса, кун келиб қўзланган натижани бериши аниқ. Зеро, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг муштараклиги келажак авлод тарбиясининг мустаҳкам пойдеворидир.

Бусолия НАЗАРОВА,
Фаргона вилояти Бувайда тумани ФХД бўлими мудир.

«Тунов кунни кира қилиш учун кеч соат ўн иккиларда кўчага чиқдим. Кўпинча кундузи йўллар тирбандлиги боис тунда тинчимни ўйлаб, айланаб келаман. Албатта, ҳар кунни турфа феълли одамлар билан учрашаман. Уша кунни соат бирларда Себзордан ўтаётсам, икки қиз билан бир йигит қўл кўтаришди. Одатим шу: манзилга етгунча кимлигиндан қатъи назар, йўловчилар билан гурунглашиб бораман. Мижозларимнинг учаласи ҳам энди 15-16 га кирган ўсмирлар эди. «Болажонлар, бемаҳалга қолибсанлар, тўй-

длиги ва эътиборсизлигини гунистеъмолик қилиб, жиноятга қўл уради, гиёҳвандликка берилади, тарбиясиз болаларга қўшилиб кетади.

Ҳолбуки, азал-азалдан бизнинг юртимизда бир болага етти қўшни, ҳатто етти маҳалла масъул, деб ҳисобланган. Бу ҳам беҳиз эмас. Чунки аксар ота-оналар ўз фарзандларининг ахлоқ-одобида озгина кўнгилсизлик пайдо бўлса ёки бирор гап-сўз тарқалса, қўни-қўшни, маҳалла-қўйдан уялган, эл орасида маломатга қолишдан, оиласи шаънига доғ тушириб

манимиз ҳудудига жойлашган кўнгилочар жойларга тунги рейдлар уюштиряпмиз. Натижада қонунга хилоф равишда фаолият юритган бир неча интернет кафе, тунги бар эгалари маъмурий жавобгарликка тортилган ҳолатлар ҳам бўлди. Ҳатто масъулиятни унутган айрим ота-оналар қаттиқ огоҳлантирилди. Баъзан ўз болаларининг кўнгилхушликларини табиий ҳолат деб қабул қилаётган шундай ота-оналар ҳам учрайдики, улар аввалига «Нима бўпти, бундай ёшда ўйнаб-кулаверсин, ёмон иш қилмаяпти-

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

оқибати бўлса керак, улар бироз четдан кузатиб: «Ойи, бу жой бизларга ёқмади, тезроқ кетайлик, шовқин-сурони ёмон экан», деб чиқиб кетди. Фарзандларим ўқийдиган лицей, мактабдаги ўқитувчилари билан тез-тез суҳбатлашиб тураман. Уларнинг руҳиятидаги бирор ўзгариш ҳақида устозларидан эшитсам, дарров ёнимга олиб дўстона диллашаман. Асосийси, у қиз болами, ўғилми, сизнинг яқинлигингизни ҳис қилиши керак.

— Коллежимизда асосан воёга етмаган ўғил-қизлар таҳсил олишади. Уйдаги тарбия ота-онага боғлиқ бўлса, бу ерда кун давомида биз уларнинг илм дарго-

ҳимиз ҳудудига кириб-чиқиши, бу ерда ўзини тутиши, кийиниши, одоб-ахлоқига жавобгармиз, — дейди Тошкент педагогика коллежи маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Эльмира Рашидова. — Негаки, айнан шу ёшдагиларда ҳам руҳий, ҳам жисмоний ўзгаришлар кучли бўлади. Турли хил таъсирларга мойиллик, ўзгарувчанлик ёшларга хосдир. Шу боис биз, энг аввало, уларнинг одоб-ахлоқи масаласига ниҳоятда жиддий қараймиз. Чунки ўқувчиларимизнинг ўз оиласидан кўра, коллежимизда кўпроқ вақтлари кечишини эътиборга оладиган бўлса, бу маскан чин маънода таълим

ку!» — дея эътироз ҳам билдиришади. Кўп ўтмай, худди шу ҳолат қайта такрорланиб, энди кўнгилни хира қилувчи воқеа содир бўлгач, ўзлари келиб, пушаймон бўлиб қолишади. Шунда биз уларга воёга етмаган, яъни 18 га тўлмаган шахслар ота-оналари, кузатувчиларсиз бемаҳалда санқиб юришлари қонун томонидан таъқиқланганини бафуржа тушунтира-миз.

Менинг таклифим, воёга етмаган болаларга нафақат тунги вақтда, балки кундуз пайтлари ҳам интернет-кафе мутасаддиларининг ўзлари кўз-қулоқ бўлиб туришлари шарт. Фақат пулини тўласа бас, қандай ўйин ўйнайди, қайси сайтларга кириши билан умуман ишшимиз йўқ, дейишдан кўра, «Ёшинг нечада? Қайси мактабда ўқийсан? Ҳозир сен дарсда бўлишинг керак эмасми?» — деб уларни бот-бот тергаб турсалар фойдаси холи бўлмасди.


Гулноза Худойкулова, ўқитувчи, икки фарзанднинг онаси: — Биласизми, «Таъқиқланган мева ширин» дейишади. Шунинг учун хоҳлайсизми йўқми, болада мумкин эмас деган нарсасга нисбатан қизиқиш кучли бўлади. Айниқса, фарзандингиз ўсмир ёшда бўлса, атрофини, дунёни англашга бўлган қизиқиши кундан-кунга ошиб бораверади. У ўртоқлари, синфдошларидан эшитган, киноларда кўрган-билганларини ўз кўзи билан кўриб, татигиси, ҳис қилгиси келади. Шу боис болага яхши ва ёмон деб ўқитишдан олдин ўзига нобол иллатни четдан туриб кузатиш ва кейин хулоса чиқаришга имкон яратиб бериш керак. Мендан ҳам болаларим: «Ойи, дискотека, тунги клуб нима?» — деб савол берганида ишонасизми, иккаласини ҳам етаклаб, тўрт тунги клубга олиб борганман. Авваламбор уйдаги тарбиянинг

ўчоғи бўлиши билан бирга энг муҳим тарбия маскани ҳамдир. Шунингдек, Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, маҳалла, туман ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, оммавий маданият нима, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш сингари долзарб мавзулар бўйича ўқувчиларимиз ҳузурида мунтазам давра суҳбатлари уюштирилади. Албатта, бундай қизиқарли учрашувлар уларда катта таассурот қолдириш билан бирга, ҳаётга, бугунги тараққиёт ўзгаришлари, қолаверса, атрофдаги бўлаётган сиёсий-ижтимоий воқеа-ҳодисаларга ҳам ҳолис муносабатда бўлишларига яқиндан ёрдам беради.

Машҳур санъат дарғаси Л. Бетховен «Болангизга фақат яхшиликни сингдириб ўстиринг, унга бахту саодатни фақат ана шу улўғ фазилатгина ато этади» деганида ҳар бир маърифатли ва оилапарвар ота-оналар кўнгилдаги орзу-умидларни назарда тутган бўлса ажабмас. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, фарзанд тарбияси — бу, бир ёки икки кишининг, оиланинг эмас, аксинча, маҳалла-қўй, боғча-мактаб, ўқув зоти, хуллас, умумхалқ, кенг жамоатчилик масмасидаги долзарб масала, жиддий ва-зифадир. Шундай экан, бу жараёнда ҳеч ким, томошабин сифатида қараб туролмайди. «Менинг болам уйда-ку, қўшиники кўчада санқиб юраверсин, безътибор бўлгани учун жабрини ота-онаси тортаверади», дея ўйлайдиганлар хато фикрлайдилар. Зеро, ҳеч қачон бола-нинг бегонаси бўлмайди.

Шаҳноза РОФИЕВА, «Оила ва жамият» муҳбири.

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ



пуйдан чиқдингларми?» — дедим пешойнадан уларга синовчан тикилиб. «Отахон, ҳали энди соат бир бўлди-ку, нимаси бемаҳал?! Дискотекадан қайтыпмиз...» — деди йигитча бамайлихотир. Димоғимга гупиллаб пиво-коньякнинг аралаш ҳиди урилди. Алламбало кийимдаги қизларнинг ўзларини тутиши, хатти-ҳаракатлари галати туюлди. Ҳайлаб қолдим: уларнинг ота-онаси қаерда экан-а? Наҳот фарзандларининг ҳолидан беҳабар бўлишса? Ахир, булар ҳам мактаб, ё коллежда ўқишса керак. Эрталаб дарсга боришмай-дими? Манзилга етгунимча, хаёлимдан шундай саволлар ўтаверди. Уйга қайтиб кирдим у хавотир аралаш набираларимнинг ётган хонасига мўраладим. Ҳаммаси пишиллаб ухлаб ётарди. Кўнглим жойига тушди», — дея ҳикоя қилади ёши олтишлардан ошган Мирзохид ака куйини-ни.

қўйишдан ҳайиққани боис ўз вақтида чора кўришга шошилган. Табиийки, ана шу ибратли қоидага ҳозир ҳам халқимиз қатъий риоя қилишини кўп бора кузатамиз.

— Туманимиз кўпмиллатли, аҳолиси зич жойлашган ҳудудлардан бири ҳисобланади, — дейди Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия маъсул котиби Сайёра Раҳмонова. — Бу ерда умумий аҳоли сони 218800 нафар бўлса, шундан воёга етмаганлари 69157 нафарни ташкил этади. Уларнинг аксарияти назоратга олинган десам муболага бўлмайди. Яъни мактаб, лицей-коллежларда устоз-тарбиячилари қаровида бўлишса, уларига қайтғач эса ўз ота-оналари, яқинлари назоратида бўлишади. Баъзан ота-оналари тунги сманаларда ишлайдиган болаларнинг назоратсиз қолиши оқибатида ҳуқуқбузарлик, безориликлар содир этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай пайтларда улар яқин қўшиниси ё маҳалладан бирор кимга бириктирилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси томонидан 2010 йил 22 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 188²-моддасига «Воёга етмаган шахснинг кўнгил очиш(дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш» яъни назорат қилишга доир айрим ўзгаришлар киритилгани айни мундза бўлди. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида комиссиямиз томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Аҳоли турар-жойлари, маҳалла-қўй ва ўқув муассасаларида бу борада давра суҳбатлари, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Тумандаги қаровсиз, назоратсиз, тарбияси оғир, ота-онаси ичувчи, нотинч оилаларда воёга етмаган шахслар алоҳида ўрганилиб чиқилиб, ички ишлар ходимлари томонидан профилактик рўйхатга олиниб, тарбиявий огоҳлантирув тадбирлари амалга ошириляпти. Айримлари махсус таълим-тарбия масканлари ёки маҳалладаги жамоатчи тарбиячилар ихтиёрига топширилади. Комиссиямиз ички ишлар ходимлари, маҳалла фаоллари, мактаб ва коллеж ўқитувчилари билан биргаликда ту-

Ҳайлаб қолдим: уларнинг ота-онаси қаерда экан-а? Наҳот фарзандларининг ҳолидан беҳабар бўлишса? Ахир, булар ҳам мактаб, ё коллежда ўқишса керак. Эрталаб дарсга боришмай-дими? Манзилга етгунимча, хаёлимдан шундай саволлар ўтаверди. Уйга қайтиб кирдим у хавотир аралаш набираларимнинг ётган хонасига мўраладим. Ҳаммаси пишиллаб ухлаб ётарди. Кўнглим жойига тушди», — дея ҳикоя қилади ёши олтишлардан ошган Мирзохид ака куйини-ни.

Ҳайлаб қолдим: уларнинг ота-онаси қаерда экан-а? Наҳот фарзандларининг ҳолидан беҳабар бўлишса? Ахир, булар ҳам мактаб, ё коллежда ўқишса керак. Эрталаб дарсга боришмай-дими? Манзилга етгунимча, хаёлимдан шундай саволлар ўтаверди. Уйга қайтиб кирдим у хавотир аралаш набираларимнинг ётган хонасига мўраладим. Ҳаммаси пишиллаб ухлаб ётарди. Кўнглим жойига тушди», — дея ҳикоя қилади ёши олтишлардан ошган Мирзохид ака куйини-ни.

Сир эмас, орамизда шундай ота-оналар ҳам борки, фарзанди берухсат ярим кечаси қаергадир кетаётганини кўра-била туриб ташвишланмайди: «Ха, майли, ҳали ёш-да, ўйнаб қолсин», дея хотир-жамликка берилади. Оқибатда «Кўза кунда эмас, кунда синди», деганларидек, ўша эркатойлари ота-онасининг лоқай-

ажиб маскан — боғчасига ҳам боғлиқ бўлади.

ЖУЖУҚЛАРНИНГ ЖАЖЖИ ОЛАМИ

Дунёда болонларнинг кўнгилроқ кулгусига тенг келадиган бирор нарса бўлмас керак. Бу кулгу доимо ўз софлигини асраб қолиши учун эса бола атрофидаги дунё унинг жажжи оламига мос келиши керак. Боланинг бу оламига гард тушмай, унинг жисмонан бақувват, ақлан бой ва ахлоқан пок инсон бўлиб етишиши эса нафақат унинг оиласи, балки у илк тарбия сабоқларини оладиган

Чирчиқ шаҳридаги 10 сонли «Буратино» мактаб-боғча таълим муассасасида эса айнан шу йўлдаги сайъ-ҳаракатларни кўриб, кишининг қалби қувончга тўлади. 100 дан ортқ болалар 6 та гуруҳда тарбияланаётган бу боғчада уларга 12 та энага ва тарбиячи ғамхўрлик кўрса-

тишмоқда. Боғчада шунингдек, болаларнинг нутқини ривожлантиришга йўналтирилган логопед гуруҳи ҳам иш олиб боради. Айниқса, бу ерда ўтказиладиган ранг-баранг тадбир ва эрталиклар, фаолият кўрсатаётган тўғрақлар болалар дунёсини янада ёрқин ранглар билан беэмаққад десак, муболага бўлмайди.

Дунёнинг кулгани эса — тинчлик, болаларимизнинг соғ-омонлиги, бахтли ва баркамол авлод куражак нурли келажак демокдир. Шунинг учун ҳам бизнинг болажонлар боғчани ўз иккинчи уйидек билиб, бу ерга ҳар кун қувонч билан чопқиллаб келиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилаймиз», — дейди «Буратино» болалар боғчаси ходимлари.



Шаҳноза НАЖИМОВА, Тошкент вилояти (т)

Ўғил кўриб, элу юртга ош берай, яхши келинлар қилиб, ширин-ширин набираларимни етаклаб юрай, ёхуд қизимни ақлу одобли қилиб тарбиялаб, яхши жойларга узатсам-да, ортидан самимий раҳматлар эшитсам, деб орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Ахир ҳамма ҳам ўғил-қизининг саодати-ю бахтли униб-ўсиши, оилаларининг метиндек мустахкам бўлишини истайди. Бироқ баъзан ота-оналик, куда-андачилик деган масъулятимиз бир четда қолиб, ўткинчи, ҳавойи орзу-ҳавасларга ортикча берилиб, дабдабазлик, манманлик каби зарарли иллатларни урчишига йўл қўямиз...

Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримова билан суҳбатимиз ҳар доим долзарб мавзу бўлиб келган тўйлар ва бошқа маросимлар хусусида бўлди.

ТўЙЛАРИМИЗ — ҲАҚИҚАТИМИЗ



кибр, гердайиш, манманлик, ҳатто «Эшигингизни очиб келганимизга шукр қилинг» деган истеҳзоли, кесатиқли гаплари билан бошлаш урфга кириб бораётганлиги, ақл қолиб давлатга, ер қолиб осмонга эътибор берилаётганлиги тафовутнинг нечоғлигини исботлайди. Илгарилари яхши қизни қўлдан чиқармаслик, қувёв томонга оғдириб олиш, кўндириш мақсадида керак бўлса қимматбаҳо совға-саломлардан фойдаланилиб, мақсадга эришилгандан сўнг ҳам келинга сарполарнинг энг асл ва қимматбахолари юборилган. Бу ҳам бўлажақ келин ва унинг ота-онасига нисбатан ҳурмат маъносини билдирган. Бугун

ЙИГИТНИНГ ОРИ БЎЛСИН

Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори
ВАСИЛА Каримова билан суҳбат

— Келинг, яхшиси, бугунги суҳбатимизни аввало совчилик билан боғлиқ айрим урф-одатларимиздан бошлайлик, — дея таклиф қиритди Васила опа. — Чунки, совчилик никоҳ тўйининг дебочаси бўлибгина қолмай, балки орзу-имиздаги, рисоладагидек келинни топиш ва танлашда, маънавий жиҳатдан бир-бирига мос икки ёшнинг бир оила бўлиб бирлашишида жуда катта ўрин эгаллайди. Шунинг учун азал-азалдан совчиликка юбориладиган кишилар сермулоҳаза, зийрак, уддабурон, ростўйлиги билан ажралиб турган. Эшик олдини супуриб, қиз томонга белги беришлар, совчиликка боришганда ҳам «қўлчиликка келдик», «эшигингизни супургани келдик» деб бош эгиб туришлар қиз ўстирган хонадонга нисбатан ҳурмат, тавозе, таъзим, керак бўлса ялиниш маъносини ифодалаган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, зийрак совчилар юборилган оилалари тўғрисида анчагина ижобий маълумотга эга бўлсалар-да, сахардан, шу хонадон дарвозасига яқинлашган заҳоти илк текширувни кўчанинг озодалиги-ю эшик-остонанинг тозаллигига эътибор қаратишдан бошлаган. Ундан кейин ўтирган уйлари чиннидай ярақлаб турган бўлса-да, шифт ва бурчаклар, кўз илгамас жойлардан тортиб, гилам ости борми, ўчоқ боши-ю, хожатхона саришталлиги, ҳамма-ҳаммасини зимдан кузатиши, танланган қизга нисбатан навобатдаги баҳо берилган. Жуда кўп жойларга совчиликка танланган раҳматли қайнонамнинг шундай гапи бор эди: «Келин танлашда биринчи эътиборимни супурги излашдан бошлардим ва уни тополмасам, шу оиланинг қизини қўлдан чиқариб юбормасликка тиш-тирноғим билан киришардим. Чунки супургиси ўлда-жўлда ётмайдиган уйда тартиб-интизом, саришталлик устун деяверинг».

— Нима деб ўйлайсиз, ҳозир ҳам бу анъаналар давом этаяптими?

— Афсуски, ҳозир бу биров бошқароқ тус олган. Бобо-момоларимизнинг қиз ўстирган оилага нисбатан қуллук, ҳурмат, тавозелари ўрнини

эса минг афсуски, бу иззат-икромлар тесқарисига айланиб, керак бўлса, қувёв тараф бемалол ўз талабларини қўйиш даражасига етиб бораётгани кўпчиликни ўйлантириб қўймоқда. Тўғри, дунё кўрган кекса, оқил инсонларнинг



маслаҳатларига таяниб иш тутадиган оилалар ҳам кўп ва уларнинг бой тажрибаларидан ҳар қанча андаза олсак арзийди. Бироқ республикамизнинг катта-катта шаҳарлари, шу жумладан, пойтахтда авж олаётган дабдабали тўйлар, уй бега, той ясаб, хуллас, неча юзлаб сохта, ўйлаб топилган расм-русумдаги ортикча асрофгарчиликлардан воз кечиш вақти етиб келди.

— Шу баҳонада ана шундай гайриҳаётий одатлардан айрим мисоллар келтирсангиз.

— Яқиндагина бир воқеанинг гувоҳи бўлдим: фотихани элу-юртга билдириш мақсадида қизнинг уйда наҳорги ош берилаётган вақт. Ишонасизми-йўқми, шу пайт қувёв томондан бир вақил нақд 200 одамни тўйга бошлаб келибди. Бундай «кутилмаган ташриф» албатта мезбонларга анча ноқулайлик туғдириши табиий. Бу ҳам етмагандай бош вақил келин томонга рўйхат тутқазиб, уни бажариш шартлигини тайинлабди. Бу эса: фалон обрўли, мансабдор меҳмонларга асл зарбоф тўн кийдириш, яна кимга «импорт» кийим, яна бошқаларнинг қўлига ҳеч бўлмаса совға-саломлар тўлдирилган «пакет» тутқазиб... Ақлга сизмайди, 200 одамга-я? Бу қиз томонни ўйламаслик, қийнаш, энг асосийси, ориятсизликдан ўзга нарса эмас.

«ҚОБУСНОМА» ДАН:
«Хотин талаб қилсанг, хотиннинг молини талаб қилма».

Ахир минг йилчиликка қиёсланадиган қудачиликда ўзгаларга «саховат» кўрсатишни тикиштириш бу ришталарнинг ҳозирданоқ заифлашиши, ишончсизликка олиб келмайдими?

Яна бир муаммоли мисол уй ясаши билан боғлиқ. Келин томондан борган аёлларга қувёвнинг онаси пардаларни тайёрлатиш биздан, мебель сиздан, деб ўзаро келишиб олишади. Қизнинг ота-онаси «Қудаларимиз анча тушунган кишилар экан, бизга енгиллик яратишди», деб хурсанд бўлишиб, мебелнинг сарасини олиб боришса-ки, ҳақққатан ҳам жуда чиройли, сўнгги русумда тикилган пардалар аллақачон осиб қўйилган экан. Бу хабарни етказишга шошилган амма-холалар эса бошқа шартга дуч келишибди: эмишкни, бу пардаларга кетган 5 миллионлик харажати келин томон тўлаши керак экан! Ана холос! Оқибатда қизнинг оиласида анчагина кўнглисизликлар содир бўлган...

Ўйлаб кўрайлик энди, бундай ориятсизлик, қалтафаҳмлик, бойликка ружу қўйиш ўзбек миллатининг қайси фазилатига тўғри келади? Аслида бошқа-бошқа муҳитда ўсган икки ёшнинг тур-

муш қуриши, бир-бирига кўниқиб кетишларининг ўзи ҳам улар учун катта ҳаёт синови эмасми? Аксинча, худди шундай вазиятда, минг бир ҳадик ва истиқола билан ҳузуримизга отланаётган муштипар қизда ҳали оиламиз аъзосига айланмасдан туриб, бизга нисбатан ишончсизлик, кўркув, хурматсизлик ҳиссини уйғотиб қўйсақ, у қандай қилиб азалий паллагимиз билан бирлашиб кета олади? Ахир никоҳни бир жойдан иккинчисига кўчириб келгандан сўнг фақат парвариш билангина ўз боғимизда кўкартира олишимиз мумкин. Мен юқоридаги каби кўнглисиз ҳодисаларга гувоҳ бўлиб ёки эшитиб турганимда ўйлаб қоламан: асосан молу давлатга муқассидан берилган аёллар(!) томонидан ўйлаб топилаётган бу каби даҳмазаларни нахот оилаларимизнинг устун бўлмиш оталаримиз, мард ва мулоҳазали эрақларимиз жимгина, бир четдан кузатиб туришса? Нахот бугун рўзғорда қайнона-келин ўртасида молу дунё устидан арзимас сабабларга кўра катта-кичик можаролар бўлиб турса-ю, оила бошлиғи бўлмиш ота кўча-кўйда бемалол бош кўтариб юрса? Майли, ота ўз тизгинини аёлига топшириб қўйган бўлсин, аммо наҳорги ошга 40–50 ўрнига 200 кишилик рўйхатни жўнатиб кераклигини эшитган ўғил, яъни бўлажақ қувёв нахот орияти учун бунга қаршилик билдирилмаса? Гоҳида тўйдан сўнг ҳам юқоридаги каби талабларни деб келинни ҳомилдор ҳолида, ҳатто қўлида бола-си билан уйга қайтариб юборган қайноналар ҳақида ҳам эшитаяпмиз. Ўғил, яъни бўлажақ ота эса яна лом-мим дегилмайди. Аёлини, фарзандини ҳимоя қилиш муқаддас кўрган — оиласи шаънини ҳимоя қилиш билан баробар эканлигини улар унутишган десам, янглишаман. Шундай экан, ўғилларимизни ориятли, мард қилиб тарбиялайлик. Ахир йигит ори билан кўркам. Қачонки, фақат бугунги эмас, балки эртанги келажакни ҳам кўра оладиганлар кўнайса, тинч-тотув, ахил ва мустаҳкам оилалар сони ортаверади.

«Оила ва жамият» муҳбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
суҳбатлашди.

ҚАЛДИРҒОЧ



Умида ХАМРОЕВА,
Халқ таълими вазирлигига қарашли филология фанларига ихтисослаштирилган ижтимоий йўналишдаги мактабнинг 8-а синф ўқувчиси.

ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТЛАР

Одамийлик фақат инсонга хосдир,
Гўзал фазилатлар унга хўп мосдир.
Қаби бўлса покдомон, тоза,
Ҳаёт нурун сочар — ўзига хосдир.

Камтарга камол деб ҳақни
айтмишлар,
Манманлик, кибр-риё —
зарарли иллат.
Ёмонликдан кечиб яшайлик ҳар дам,
Инсонлик либоси — одобу ифрат.

Саховат, ҳимматга бой одамларнинг
Қалблари лиммо-лим
мудом шодликка.
Тақдир ҳам аямас бахту омадни,
Борар манзил аниқ —
ҳалол покликка.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Она юртим, Ўзбекистон,
Чаманзор-у боғу бўстон.
Дилим янраб сенга боқсам,
Битгим келар гўзал дoston.

Ўтмишинг қанчалик жуок,
Даҳоларинг бирдек суок,
Дунёни лол қолдираин,
Ўғонларинг номи тирик.

Ҳали номингга минг бора
Қасидалар битилгуси,
Сахий қуёш ҳам бошингда
Сени дея нур сочгуси.

Сенинг билан ҳар дам, ҳар он,
Дилим фахр туяра, юртим.
Қадринг қадрим кўтаргайдир,
Гурур-орим ортар, юртим.

Номинг қуйлаб ижод қилай,
Деган эзу умиддаман.
Комилликка интилуғучи
Сенга содиқ Умидаман!

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ

Одам учун олгин-кумуш жуда қадрли нарсадир. Лекин ўз меъдорини билан одам кумуш ва олтиндан ҳам қимматлидир.

Одамгарчилик қилганга одамгарчилик билан жавоб бер, одамгарчилиги баробарида адолат билан жавоб бер!

Асли, уруғи ва тариги, зоти яхши бўлсин, хотиннинг уятли, андишали, покзисини истагин.

Юсуф Хос ҲОЖИБ
(«Қутадғу билг» дан)

“Уч киздан кейин ниҳоят, ўғил фарзанд кўрдик. Бола тўладан келган, соғлом, ривожланиши ҳам яхши. Аммо унинг жинсий органи назаримизда ҳамон жуда кичкина. Айтинг-чи бу хавфли эмасми?”

DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод ИРГАШЕВ жавоб беради:

Бу каби саволлар нафақат кичик ёшдаги ўғил болалари бор ота-оналарни, балки аллақачон турмуш қуриб, ҳатто фарзандлар кўриб, яшаб юрган эр-хотинларни ҳам ўйлантираётгани сир эмас. Жинсий органларнинг ўлчами инсоннинг бошқа қисмлари каби энг аввало унинг авлодлари ва ривожланиш даражасига қараб белгиланади. Агар ҳомилалик пайти ёки туғилгандан кейинги даврда жинсий органининг шаклланишида турли сабабларга кўра, айрим камчилик ёки нуқсонлар (масалан, эркак жинсий гормони ҳисобланмиш тестостерон етишмовчилиги) борлиги аниқ-

ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ШАРТ ЭМАС!

ланган бўлса, ташқи жинсий орган ривожланиши бузилган ҳисобланади. Аммо жинсий ба-лоғатга етиш даври (13 ёш)да ва катта эркакларда тестостерон моддаси кўп ҳолларда ўзини оқламайди. Эркаклар жинсий органининг кичиклиги асосан эпизодия, гипоспадия ҳамда бирор жароҳат етиши ёки жарроҳлик оқибатида келиб чиқади.

Бу борада муаммолар туғилса, аксарият ҳолларда жарроҳлик амалиёти биринчи ўринга чиқади. Аммо шунинг таъкидлаш керакки, жинсий органлар, яъни эркак олатини каттайтириш ё узайтириш билан боғлиқ бу операциялар ҳар доим ҳам ижобий натижаларга олиб келавермайди. Сиз бу жарроҳликка агар юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан чўчимасангизгина рози бўлишингиз мумкин. Чунки жарроҳлик йўли билан катталаштириладиган олатда жинсий орган деформацияси,

яъни унинг шаҳват пайтидаги беқарор бўлиб қолиши, шунингдек, нормал сезувчанликнинг йўқолиши ва бу нуқсон-



ларнинг умрингиз охиригача қолиб кетиши мумкинлиги хавфи бўлади. Сиз булардан кўрқмасангизгина жарроҳ столига ётишингиз мумкин.

Аммо шу билан бирга сизга жинсий органи нохирургик усул билан каттайтиришнинг энг безарар ва қулай усулини ҳам тавсия этишимиз мумкин. Бу ўзига хос хусусиятларга эга

ва инсон организми учун мутлақо безарар ҳисобланган **Экстендер** апарати. Ушбу апарат Илизаров апарати-нинг замонавий ва мураккаб-лашган тури бўлиб, у эркак жинсий органини каттайтирувчи ва узайтирувчи хусусиятга эга бўлиб, ундан ҳаттоки уй шароитида ҳам махсус машқлар ёрдамида фойдаланиш ва олат ҳажмини ўзгартириш, унинг диаметрини каттайтириш мумкин.

Экстендер апаратининг ишлаш усули: мослама жинсий органига кийгизиб қўйилгани учун этнинг беэиён тортилиши ва чўзилиши кучи билан олат ўса бошлайди.

Экстендер “Андропенис” апарати шунингдек турли жароҳатлар туфайли бирламчи шаклини йўқотган эркак олатини уни тўғрилаш учун ҳам мўлжалланган. Бунинг учун ушбу апаратдан 6-8 ой мобай-

САВОЛ-ЖАВОБ

нида фойдаланилса, уни дастлабки ҳолатига ҳатто 70 фоизгача қайтариш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Экстендер “Андропенис” ва вакуумли эректор апаратлари энг фойдали ва безарар, дунё миқёсида кенг қўлланиб келинаётган тиббий мосламалардан биридир. Сиз шифокор кўригидан ўтиб, тегишли маслаҳатларни олгач, ҳеч қандай тиббий дори-дармонлар ва жарроҳлик-сиз ҳам ўзингизнинг кўплаб нозик муаммоларингизни ҳал этиб олиш имконига эгасиз.

DOCTOR-D клиникасида 2005 йилдан буён вакуум-эректор апаратини қўллаш йўлга қўйилган бўлиб, бу соҳада катта тажриба тўпланган. Шу боис ушбу апаратдан бевосита бизнинг масканимизда фойдаланишингиз ёки харид қилиб олишингиз мумкин.

“Оила ва жамият муҳбири Барно МИРЗААҲМЕДОВА тайёрлади. (t)

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Хамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Хамшира (тезкор) — 3 ой.
- Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёти билан).
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёти билан).
- Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).
- Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалиёт).
- Каштачилик — 3 ой (машинкада бышивка).
- Тўқувчилик — 2 ой.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар кун

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд. **Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи), (8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Тарбия масаласида майда нарса йўқ.

Н. И. ПИРОВОВ

Тарбиянинг илк босқичида болалар сиймосида амалдорни ҳам, шоирни ҳам, хунармандни ҳам эмас, инсонни кўрмоқ зарур, кейин у инсон бўлгани ҳолда охир-оқибат у ёки бу касбни эгаллайди.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Хошимова Марҳабо Соатовна номига берилган Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Қорақамиш 1/1 кўчаси 27-уй 62-хонадон «уй режаси» №05-02/3083 йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Нуридиддам Камолиддин Қосимжон ўғли!

20 октябрь — туғилган кунингиз муборак бўлсин. Оилавий хотиржамлик, সিҳат-саломатлик, фарзандларингиз камолини кўриб юришингизни Аллоҳдан сўраб

Қайнотанг Сотволди Мирза, Юнусобод тумани

«МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида юқори технологияли тиббиёт апаратуралари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» апарати ёрдамида зарбали-тўлқинли терапия (ЭУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, диск чурралари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қотиб қолган пайлар, тузларни юмшатиб, сўрилиб кетишига, ўрнига янги тўқималар пайдо бўлишига замин яратди.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия апаратида бир вақтнинг ўзида лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари муҳассамлашган ҳолда олиб борилади.

Бундан ташқари, компьютерлашган апаратда умуртқаларни чўзиш, ультрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажаси, нуқтали уқалаш, нина санчиб даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шифохонада уч ўлчамли УЗИ апаратида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юрак УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Шифохонада ётиб ва қатнаб даволаниш учун барча шароитларга эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: (+99897) 119-32-10, (+99897) 338-35-15
Факс: 8 (371) 283-40-35
Электрон почта: monada-amon@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норҳўжаева кўчаси, 52-уй. Мўлжал: Фаргона йўли кўчаси «Ўзбум» бекати.

Москвадаги Халқаро Абу Али ибн Сино академиясининг магистри

табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини таклиф этади:

- Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қораталоқ касалликлари;
- Бепуштлик, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата беши шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гиҷжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетади;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриги, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиklar;
- Юрак, қон-томир хасталиklари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўргони.

Телефон: (+99897) 156-57-31. Лицензия № 95 Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Бозоров Ўринбой Бозорович номига берилган талабали гувоҳнома си йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Инсон бахти оиласи билан тўкин ва чарогондир. Мабодо кимки ўзини бахтсиз деб ўйласа, бунга билинги, унинг ўзи айбдордир", деган машхур донишманд минг бора ҳақ эди. Ҳақиқатан ҳам, ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, тақдир-аъмолимиз учун масъул, жавобгармиз. Шундай экан, ўз вақтида ўйлаб ташланган қадам, сабр ва қаноат билан ҳалол яшаш ҳамда ишлашга интилиш ҳеч қачон беиз кетмайди. Бу оддий ҳақиқатни Ургут туманидаги Чағизмон маҳалласида истиқомат қилувчи Зоҳидовлар хонадонидан бўлганимизда яна бир бор англадик. Қишлоқ

зор, гулзор кўнглимни яшнатиб юборади. Минг марта айтгандан кўра, бир марта кўрган яхши, дейдилар. Яхшиси, сизга ўзим яратган боғни кўрсатайин...

Одамзотнинг кўли гул эканлигини амалда исботлаган ҳамда

✓ ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ургутдай тупроғи қаттиқ ерда ҳамма ҳавас қиладиган боғроғлар яратган Фазилат опа ва унинг фарзандлари меҳнатига ҳар қанча таҳсинлар айтсак арзийди. Шу ўринда қахрамони-мизнинг қисқагина таржимаи

ла атрофида алоҳида уй қурилган бўлса-да, уларни ҳар куни шу хонадонда учратасиз. Бунинг боисини сўраганимда, келинлар кайнота ва кайнонага хизматнинг ҳам ўзига яраша гашти, масъулияти борлигини, уларнинг дуоларини олиш катта бахт эканлигини айтишди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Фазилат Аликулова 2007 йилда



«Замонавий ўзбек қишлоқ аёли» номинацияси совриндори бўлган. Кўни-кўшилари, ногирон ва кам таъминланган оилаларга ҳам кўлидан келгунича кўмак бериб келади. Зеро, ниятимиз, аёлиқ мартабасини эъзозлаган, оналик масъулияти ва вазифасини шараф билан уддалаган ана шундай жонқуяр инсонлар кўпаяверсин.

ҲОШИМ ОРЗИКУЛОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Самарқанд вилояти

ФИДОЙИЛИК КАСБИ УНИНГ...

аҳли, маҳалла-кўйдагилар билан суҳбатлашганимизда эса уларни энг ибратли оилалардан бири сифатида бежиз эътироф этишмаганига гувоҳ бўлдик.

— Энг аввало, ўз оиласида соғлом муҳит, аҳиллик ва тотувликни қарор топтириш, фарзандларини баркамол, илму маърифатли, одобли қилиб тарбиялаш орқали жамиятга наф келтириш мумкинлигини бугунги истиқлол даври одамлари тўла тушуниб етди, десам муболага қилмайман, — дейди шу хонадон бекаси, тумандаги фидойи аёллардан бири Фазилат опа Аликулова. — Шу боис, ҳар бир оилада камол топадиган ўғил-қизларимизни эртанги кунга ишонч билан, элим деб, юртим деб яшашга ўргатишимиз лозим. Бундай тарбияда эса аёлнинг, онанинг ўрни ниҳоятда муҳим деб ўйлайман. Оқила аёл оилани камолга етказса, жанжалкаш, инжиқ хотин оилани барбод қилади. Масалан, менинг ўзим яшилликни ёқтираман. Ям-яшил экинзор, барк уриб яшнаб турган дарахт-

холи — умр дафтаридоғи ушбу ёзувлар ҳам гоят аҳамиятли: Мактаб ўқувчиси, хўжалик фермасида сут соғувчи, табелчилик, ва ниҳоят, Қишлоқ хўжалик институтини ўқиган йиллари, 31 йил давомида узлуксиз пилла боққани, 24 йил хўжалиқда хотин-қизлар кўмитаси раиси, пиллачилик агрономи... Мустақиллик йилларида эса эзгу ниятлар билан «Нўъмон-жон-Лочинбек» фермер хўжалигини ташкил этишда ҳам онанинг ўзи бош-қош бўлди. Айни пайтда бу хўжалиқда ўн киши фаолият юритади. Улар тоқзорларни парваришлаб, ғалла ва тамаки экиб, мўл-кўл ҳосил олишмоқда...

Фазилат опа умр йўлдоши Ҳусайн ака Зоҳидов билан тўрт ўғилу, тўрт қизни тарбиялаб, вояга етказишди. Барчаларини ўқитиб, олиқ маълумотли, уйли-жойли қилишди. Ушбу хонадон ўғиллари ва келинларининг иноқлиги маҳалладошларга ибрат бўлгулик. Тўртала келинга маҳал-

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

БИРИНЧИ ШАХСИЙ КОСМИК КЕМА

Биринчи шахсий космик кема "SpaceShipTwo" илк парвозини якунлади. Бу ҳақда ишлаб чиқарувчи "Virgin Galactic" компанияси пресс-релизиде хабар берилди.



Ушбу космик кема "White Knight Two" («Ок рицарь-2») самолёти ёрдамида 13,7 километр баландликка олиб чиқилди. Сўнг ҳавода 11 минут парвоз қилиб, Мохаве космопортига қўнди.

Шахсий космик кема суборбитал бўйлаб учига мўлжалланган. У олти киши билан парвоз қилиш имкониятига эга. "SpaceShipTwo" да осмонни сайр қилиш 200 минг доллар туради. Айни пайтда 370 нафар бўлажак космик сайёҳ рўйхатга олинган. Улар тўлаган сума 50 миллион долларни ташкил этмоқда. Биринчи тижорий парвознинг аниқ санаси айтилмапти.

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

50 ГА ЯҚИН ТЕЛЕРАДИОКАНАЛ ЁПИЛДИ

Мадакасқарда 50 га яқин телерадиоканалнинг бирваракайига ёпилиши дунё афкор оммасини ажаблантирмоқда.



Мамлакат алоқа вазири Феликс Малазаро оммавий ахборот воситаларида берган изоҳида айни пайтда фақатгина 300 радио ва 25 телеканал давлат томонидан рўйхатдан ўтгани, фаолияти тўхтатилган 50 га яқин ОАВ эса шу пайтгача ноқонуний иш юришиб келганини таъкидлаган.

Эслатиб ўтамыз, 2009 йил март ойидан бери сиёсий баркадорликка эришолмаётган Мадакасқарда ҳозирда муваққат парламент фаолият кўрсатмоқда.

20 ЙИЛДА ТУФИЛГАН ЧАҚАЛОҚ

АҚШда 20 йил пробиркада сақланган чақалоқ турилди, дея ёзади Daily Mail.

Уни дунёга келтирган аёлда

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ



илгари ўз тухумхужайраларидан сунъий уруғлантириш тажрибаси бир неча марта муваффақиятсиз якунланганди. Бундай муолажалар мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган, шифокорлар унга "донор" эмбрионни имплантация қилишди.

1990 йили тўртта шундай эмбрион муваффақиятли уруғлантирилганди. Уларнинг икитаси музичи эритиш жараёнида жиддий шикаст еди, учинчиси эса бачадонга кўчириб ўтказилган, ҳалок бўлди. Ва ниҳоят, тўртинчи эмбриондан соғлом бола дунёга келди.

Хабарда айтилишича, эмбрионни 20 йил сақлаш мутлақ рекорд кўрсаткичдир. 2005 йили АҚШда 13 йил криобанкда асралган эмбриондан соғлом бола дунёга келганди. Бу гайриоддий ҳомиладорлик бўйича тадқиқот ҳисоботи "Fertility and Sterility" журналида эълон қилинди.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

✓ ҚАРОР ВА ИЖРО

ФАРОВОНЛИК МЕЗОНЛАРИ

Дунё тажрибасидан маълумки, ҳар бир ривожланган мамлакатда, энг аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш давлат аҳамиятига молик долзарб масала ҳисобланади. Айни шу мақсадда ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирши юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори қабул қилинган эди. Албатта, ўтган мuddат ичида бу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан жойларда қатор амалий ишлар бажарилди ва бу жараён бугунги кунда ҳам изчил суратда давом этмоқда.

Мазкур қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида бевосита Тошкент шаҳар Учтепа тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам ўз зиммаларидаги вазифаларини ишлаб чиқилган махсус дастур асосида оғишмай бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Масалан, ҳудудимиздаги гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган 16 та микрофирма ҳамда кичик корхоналар 2012 йилнинг 1 январига қадар ягона солиқ ставкаси тўловидан 50 фоиз миқдорда имтиёзга эга бўлишди. Шунингдек, ушбу корхоналар қарорда белгиланганидек, ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида фойдаланиладиган, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган рўйхатларга мувофиқ, четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилингани уларга ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган катта имкониятидир.

Энг муҳими, халқимиз дастурхонини тўкин ва обод қилишда ўзларининг беминнат хизматларини кўрсатётган ташкилот ва жамоалар амалдаги қонунчиликда, шу жумладан, солиқ билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларда қайд этилган қондаларга қатъий риоя қилсалар, қолаверса, ушбу қарор мазмун-моҳиятини тегингизанга етсалар, айни муддао бўлур эди.

Ойбек ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳар Учтепа тумани
ДСИ бўлим бошлиғи.

● АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ

ЭНГ КЎП МУХЛИСГА ЭГА

Англиялик рок-музикчи Род Стюартнинг ҳам номи Гиннес рекордлар китобидан жой олган. У "концертда энг кўп мухлис тўплай олган хонанда" сифатида эътироф этилган.

1993 йил охирида, Янги йил байрами олдидан Сьюарт Бразилиянинг Копокабана пляжиде гала-концерт уюштирган эди. Маълумотларга кўра, мазкур томошани кўриш учун бу ерга 3,5 миллион мухлис йиғилган экан.



СЕҲРГАРЛАР ЖАМИЯТИ

Гипноз, фокус, кўзбўйлагич, афеун, жоду... ва ҳоказо. Биз уларнинг томошаларини кўриб, сеҳргармикан, деган хаёлга борамиз. Ким бунга ишонади, ким эса йўқ... Бироқ 1968 йил Американинг Нью-Йорк шаҳрида "Сеҳргарлар жамияти" ташкил этилганди. Қарангки, бугунги кунга келиб бу жамият аъзоларининг сони 23 000 дан ошиб кетди. Улар орасида машхур кўзбўйлагич Дэвид Копперфильд ҳам бор.

ЭНГ КЕКСА БИНО



Инсонларга ҳали ҳамон хизмат қилиб келаётган заминимиздаги энг кекса бино Германияда жойлашган. Лорш шаҳарчасидаги бу бинода бугунги кунда Лорш шаҳар бошқаруви жойлашган. Бу кўҳна-обида 753 йилда бунёд этилган.

Умуман, Лорш шаҳарчасидаги кўплаб биноларнинг тарихи VIII-XI асрларга бориб тақалади ва шу боис бу шаҳар энг кекса қурилишлар мажмуаси сифатида дунёда ягона ҳисобланади.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

Зумрад момо қаёққадир шошилаётган чолни кузата туриб:

— Қариган сайин ишларингиз кўпайиб кетаяпти. Ҳар куни тинмай қишлоқ оралаб юрасиз, — деб таъна қилди.

Шокир бобо кета-кета хас илашган яктагининг ўнгирига қоқиб қўйиб, кампирига ўқирди:

— Сен ниманиям билардинг. Бормасам бўлмайди-да, кўча бошидаги Шавкат хисобчининг келини кетиб қолибди. Ўғли ноқобилроқ бўлган. Ичади. Худонинг берган куни жанжалдан бошлари чиқмайди. Кудасиникига бориб, келини қайтаришни маслаҳатлашиб келишим керак.

— Сиз аввал куёв билан гаплашинг-да. Ичганга ит чидамайди-ю...

— Кеча гаплашдим. Роса оладиганини олди ўзиям мендан. Ваъдан қаттиқ қилди. Энди буёғини кўрамиз.

Кампир чолига бошдан-оёқ разм солди. Унинг шу юришидан мамнун бўлди. Одамни ҳеч қачон ўзидан қўймасин-да. Бировга тушамал бўлдингми, тамом, нима қиларингни билмай қоласан.

Шокир бува саксондан ошган бўлса-да, ҳалиям суяги енгил. Қўлига таянмай, дик этиб ўрнидан тура олади. Бир кунда ўн-ўн беш қақирим пиёда юради. Ўғиллар ва набиралар оёғининг остига машинасини тайёрлаб туришсаям, чиқмайди. "Оёғимдан қўймасин. Пиёда юрсам қоним юришади", деб болаларнинг ҳай-ҳайлаганига қарамай, йўлида кетаверади. Кампир чолининг бу юришига ичидан хурсанд бўлса-да, жўрттага бир нималар дейди:

— Элчилик қилиб чарчамадингизми? Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб қариганда оёғингизни узатиб, дам олмайсизми?

Шокир бобо вазмин, гўё ўзига ўзи гапирётгандай кампирига жавоб берди: — Бировнинг кўргони бузилаётган бўлса, қандай жим қараб тураман?

Чол илдам юриб, чиқиб кетди. Момо ховлига қайтиб, эндигина сўрига чўккан дәмчи, дарвоза тақиллаб қолди. Секин бориб эшикни очди. Остонада шу маҳаллада яшайдиган, ёши қирқни қоралаган, куюк сочига оқ оралаган, котмадан келган, бурнининг ўнг қанотида чандиги бор Фотиҳ турарди. У Зумрад аяни кўриши биланоқ сўраша кетди:

— Ассалоому алайкум, яхшимисиз? Уй-ичлар тинчми? Болалар, набиралар, ҳаммалари соғ-омонми? Момо...

— Лаббай, айланай...

— Бобомиз уйдадилар?

— Ҳозиргина бир иш билан чиқиб кетувди-я!..

— Аттанг, бироз кечикибман-да. Жуда зарур юмушим бор эди.

— Тинчликми ўзи болам?

— Собиржон бор-ку, биласиз, — сўзида давом этди у, — Мухтор акамнинг ўғиллари, шу укаси билан бир масалада келишолмай турибди. Шокир бувам ўзлари бориб бир нарсга демасалар ака-ука-

нинг оралари бузилиб кетадими деб кўрқаяпмиз. Шунга келувдим...

...Шокир бобо Шавкат бугалтирнинг кудаси Аҳмад фермер ва унинг хотини Гулсаранинг таъна-ю, маломатларини охиригача жим ўтириб, гапларини бўлмай охиригача эшитди. Фермер ховуридан тушмади, жаҳл аралаш:

бўлса...

Гулсара мингирлади:

— Боласини ўзимиз боқиб...

Шу пайт чол унияма бирдан оғзига сўз билан урди:

— Бу гапни бир айтдинг, тавба де, иккинчи марта эшитмайин, келин. Ўзлари боқиб олармишлар... Қап-катта хотин бўлатуриб фаросатинг шунга етдимми? Силар нега боқаркансилар? Отаси боқ-

"ЎТ ЎЧИРУВЧИ"



— Агар қизим бу дунёдан тоқ ўтиб кетсаям, энди юбормайман. Менга бундай куёвнинг кераги йўқ, Шокир ака! — деди қатъий тарзда.

Гулсара ҳам унга қўшилди:

— Изи ўчсин ўша пиёнистанинг!

Ярим соатлар чамаси миқ этмай ўтирган Шокир бобо бирдан тилга кирди. Чолнинг гулдираган овози бор эди, бу овознинг ўзи унча-мунча одамни ҳеч бўлмаганда бир газ пастга тушириб қўярди:

— Юборасан, Аҳмадбой, кўпам катта кетма. Юбормаям кўр-чи!

Аҳмаднинг товуши пасайди, лекин ҳали иддаосининг алангаси баланд эди:

— Нима, ҳали сиз менга зўравонлик қиласизми?

Шокир бобо унга бургут кўзлари билан тик қаради:

— Керак бўлса, зўравонлик ҳам қиламан. Ё бунга ҳаққингиз йўқ дейсанми?

Аҳмад бирдан бўшашиб қолди:

— Йўғ-е, ҳаққингиз бор, узр, Шокир ака...

Бобо гап билан унинг ёқасидан оларди:

— Сенларга қўйиб берса, бургага аччиқ қилиб, ҳатто, уйга ўт қўясанлар. Орада узукнинг кўзидай фарзанди

син! Ё алҳазар! Ҳозирги қизларгаям ҳайронман, ёнидан шабада эсиб ўтса, уйни ташлаб қочади.

Аҳмад хотинининг ёнини олган бўлиб, секин гап ташлади:

— Шокир ота, у ёғини ўзингиз биласиз...

Лекин чол яна бўш келмади:

— Ўзим биламан, жуда яхши биламан. Агар индамасам, сен нодон ўз қизингнинг уйини бузилишини томоша қилиб ўтирасан. Яна индамасам, хотинларнинг гапига кириб, шуларга эргашасан. Сен оила бузилиши нима эканлигини биласанми ўзи? Қани келин, қизингни бу ёққа қақир-чи!

Гулсара секин эрига қаради. У ҳам бўшашиброқ унга "бор" деган маънода ишора қилди. У ташқарига чиқиб, бироздан сўнг қизини эргаштириб келди.

Шокир бобо ийманибгина турган келинчаққа кўнглидаги гапларини шартта айтди:

— Қизим, бу уй энди сеники эмас. Бу ҳовлини кўрийдиган эгалари бор. Сен бориб, ўз хонадонингни бил. Бошингда эринг бор, бағрингда боланг... Яна сенга нима керак? Ёшлиқ қилиб, уйингни

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

бузма, қизим. Ёмон бўлади... Сўнги пушаймоннинг фойдаси йўқ. Ўғлинг бир йилдан сўнг отасини сўрайди, унга нима деб жавоб берасан? Гулдай рўзгорингдан айрилиб, бошингни эгиб қай эшикларга борасан.

Келинчақ жимгина ерга сингалаб: — Шу... ичмасалар экан... — деб шивирлади

Чол гулдираган овоз билан гапида давом этди:

— Эринг ҳам уйда тавбасига таяниб ўтирибди. Ўзи ёмон боламас, буни биласан... Бир ҳафтада ўғлини соғиниб қолибди. Ўтирибди шумшайиб. Энди ичмайман деб менга ваъда берди. Агар бундан кейин у сени хафа қилса, ота-онангнинг олдига келиб ўтирма. Тўғри менинг олдимга бор. Ўзим унинг додини бераман!..

Нима қиларини билмай қолган Аҳмад фермер эндигина "Ҳа, шу десангиз..." деб гап бошлаган эдики, чол уни тўхтатди:

— Гапимни эшит, ярим соатдан кейин куёв онаси билан келади. Киз уйига борсин, Аҳмаджон, ҳўпми?

— Эшигимизга катта бошингизни кичик қилиб келдингиз, Шокир ака, нима-ям дердик. Фақат куёвга ўзингиз насихат қилинг.

Отaxonнинг юзига нур югурди. У ўзининг эзгу мақсадига етган эди. Энди уларга ён босса бўлади:

— Насихат қилиш ҳам гапми, энди уни ўзим назорат қиламан. Нафасини чиқариб кўрсин-чи. Қани, илоҳи омин, ёшлар кўша қарисин...

Аҳмад фермер шошиб қолди: — Бирпас шошилманг, Шокир бува, келиннингиз ош дамлаганди-ку!

— Кейинги сафар, Аҳмаджон, ҳали кечга довуз борадиган жойларим кўп. Момонг айтганидай, қариган сайин ишларим кўпайиб борапти.

Кечкурун кампири Шокир бобога: — Кўшни кампирлар нима дейди денг? — деди.

— Ҳўш, нима гап экан?

— Чолингиз қозихона очганми, эшигиздан одам аримайди дейишяпти.

— Уларга чолим "ўт ўчирувчи", айрим эр-хотинлар ўртасида ўт-аланга чикса ўчиради, деб айтиб қўй.

Кампир чолининг топқирлигидан завқланиб қулди:

— Менам сизлар чолимни кўролма-япислар деб ҳазиллашаман.

— Э-э, кампир, нимасини айтасан, соқоли оқарган билан одам оқсоқол бўлиб қолмайди. Оқсоқоллик менга бобомерос. Худо элнинг хизматидан қўймасин...

Шу пайт яна дарвоза тақиллаб, кимдир ташқаридан "Шокир бува, уйда-мисиз?" деб овоз берди...

Эшқобил ШУКУР

«Сизларга дугонан Гулбахор ҳақида ёзаяпман. У билан мактабда бирга ишлаймиз. Шундай меҳрибон, очикўнгил қизнинг бахти очилмагандан ташвишдаман. Онаси вафот этиб, бошига турли хил оғир ташвишлар тушмаганида ҳозир яхши бир оилани гулла-тиб, бола-чакали бўлиб юрармиди. Ҳаётда ҳамма нарса инсоннинг айтганидай булавормас экан. Вақтида совчилар келганида «Нима соғайсин-чи, кейин турмушга чиқаман» деди. Кейин эса...

Гулбахорнинг ёши 34 да. Маълумоти олий. Хушрўй ва хушмуомала. Қўлигул чевар, пазанда. Ёшига мос, зарарли одатлардан холи, тайинли касби бор, диёнатли инсон учраса, дугонам турмушга чиқиб ниятда.

ЗАРИФА,
Сурхондарё вилояти».

«Қизим Соҳибани бир дунё орзу-хаваслар билан Шерзодага узатгандик. Куёвими ниҳоятда одатли йигит эди. Ота-онаси ҳам баъманни инсонлар бўлгани учун кўнглимиз тинчиганди. «Фалокат оёқ остида» деганлари рост экан. Шерзод ўртоқлари



билан дарёга чўмилишга бориб, биринчи бўлиб сувга тушгану... тирик чиқмаган. Олти ой ўтгач, оқ либосда узатган қизимизни кўк қўйлақда қайтариб олиб келдик. Онасининг қистови билан олий ўкув юртида ўқишини давом эттириб, тугатди. Ўн гулидан бир гули очилмаган қизимга қараб, ич-ичимдан эзилиб кетаман. Соҳиба қизимнинг ёши 25 да. Ёшига мос, олий маълумотли, инсоф-иймонли инсон учраса, узатардик.

ЗОКИРХҲҲА,
Тошкент шаҳри».

«Ўшанда онам бозорда ҳамёнини йўқотиб, жигибийрони чиқиб келганди. Пешинда сочларига бантик боғлаган, чиройли бир қиз «Хурматой холянинг уйлари шуми?» деб сўраб келди. У қўлида онамнинг ҳамёнини ушлаб турарди. «Ичиди нафақа даф-

тарингиз бор экан, шундан топиб келдим» деди. Онам хурсанд бўлиб, қизнинг юз-кўзларидан ўпири, ўзи тиккан дўппилардан бирини унинг бошига кийдириб, нечанчи синфда ўқийсан деб сўради. Мен ўқийдиган мактабда 6-синфда ўқиркан. Зулайҳо билан шундай тарзда танишгандик. 10-синфни тугатгач, уни кўриш учун мактабга тез-тез бориб турардим. Йиллар ўтиб, меҳримиз муҳаббатга айланди. Турмуш қурдик. Беш фарзандли бўлдик. Аҳил-иноқ яшардик. Нуридийдаларимизни уйли-жойли қилиб, энди хузур кўраман деганда аелим бедаво дардга йўлиқди. Ёшим 60 да. Нуфузли ташкилотда ишлаб нафақага чиққанман. Очик кўнгил, меҳрибон, тошкентлик, беварзанд аёл учраса, хабар берсангизлар.

АСҚАР ака,
Тошкент шаҳри».

«Кенжа қизим Раънога отасининг ўртоғи болалигидан келин қиламан деб оғиз солиб қўйганди. Шухрат кўз ўнгимизда вояга етди. Фарзандларимиз ҳам бир-бирларини ёқтиришарди. Бундан биз ота-оналар бошимиз осмонда эди. Улар олийгоҳларни тугатгач, орзуларимиз ушалди. Рисоладагидек тўй қилдик. Куёвимизнинг туғилган кунда куда-андалар жамулам бўлдик. Шухрат машинасида буюртма берилган торти олиб келаман

деб шошилиб чиқиб кетди. Ярим соат ўтар-ўтмай совуқ хабар келди. Шухрат автохалокатга учрабди. Касалхонага етиб борганимизда жонга узилган экан. 23 кунлик келинчақ қизим бева бўлиб қолди. Раънога қўшилиб қайғуда куйдим-ёндим. Тўрт йил деганда қўярда-қўймай уни тахириятга бошлаб келдим. Бизга 6 ой яшаб, хиёнатга учраган 28 ёшли Равшан исмли йигитнинг телефон рақамини беришди. Ёшлар учрашишди. Суриштирдик. Икки томонга ҳам маъқул бўлди. Улар бугунги кунда бахтли яшашяпти. Сизларни умрим борича дуо қиламан.

ХОСИЯТ хола,
Сирдарё вилояти».

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашмалар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

БЕОЗОР МУСИЧА

✓ КЎЗГУ

Хар кимки вафо қилса, вафо топкусидир. (Захириддин Мухаммад Бобур)

Кўкларнинг сўнги ойи, ҳаво жуда иссиқ эди. Тушлик маҳали ҳамма дастурхон атрофида йиғилган. Кутилмаганда дераза тоқчасига бир мусича келиб кўнди. Худди салом бергандай бошини эгиб, тоқча бўйлаб у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Болалигимга бориб, «кишт» деб ҳайдамоқчи бўлган эдим, сал берирокдаги кўрпачага ёнбошлаб олиб, чой ичаётган отам мени койиди:

— Нега «кишт» дейсан? Бу ҳам меҳмон-да, — дея дастурхондаги уволқарни йиғиб, дераза тоқчасига тўкиб қўйди.

Мусича уволқарни еб бўлгач, миннатдорчилик рамзи сифатида боғгидек «салом» бериб, тоқчада яна у ёқ-бу ёққа юрди-ю, пириллаганча учиб кетди...

Бу воқеа тезда ёдимдан кўтарилиб кетди. Бир кун отам даладан жуда ҳориб келди. Чопонини дераза раҳига ташлади. Ўзи эса онам узатган болишга ёнбошлади. Келиноиймнинг иссиқ овқ-

ат олиб келиб, дастурхонга қўйди. Онам невараси қуйиб қолмаслиги учун чопини ўз олдига олиб, қайтараётган эди... Бирдан хитоб қилиб қолди: — Вой, вой, анавини қаранглар!



Кейин юзлари оқара бошлади. Аввал ҳаммамиз онамга, сўнг отамнинг пахтаси титилган, даладан киймай кўтариб келган чопонига қарадик.

Чопон устида ўрдак боласининг панжасидек келадиган ўргимчак тебраниб, қора кунжутдай кўзлари олазарак бўлиб турарди. Сингилчам овозининг борича «Ўлдириглар!» дея бақирди-да, ойимнинг пинжига тикилиб олди. Келиноиймнинг кўйнидаги тўрт

яшар жиғни тушунса-тушунмаса «бўжи» деганича бигиллай бошлади. Отам тезда пашша ўлдиргични олиб, ўрнидан қўзгалган ҳам эдики, ўргимчак гоҳ сакраб, гоҳ тез-тез юриб, деразадан ташқарига чиқиб, томга қараб ўрмалай кетди. Аммо зараркундани барибир ўлдириш керак эди, у бутун бўлмасда, эртага ўз захрини сочиши турган гап. Отам деразадан бош чиқарди. Шу пайт том бурчагида хушёр турган мусича илдамлик билан хашаротни тумшуклари орасига олди. Уни бироз қисиб турди-да, сўнг титиб юборди!

Отам бошини уй ичкарасига олиб, нафас ростлагач, «Э, хайрият-ей!» деди, кейин мусичанинг хушёрлиги ва жасоратига таҳсин айтди. Аслида, қушларнинг асосий ўлжаси хашаротлар бўлса-да, отам мусичанинг ҳозирги ҳаракатидан жуда ҳурсанд эди. У биздан меҳр кўргани боис бир бехосият, заҳарли зараркундани йўқ қилишда мадад бергани барчамизни мамнун этганди...

Мурод ҲАЙИТ,
Сирдарё вилояти
Мирзаобод тумани.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ҲАКАМЛАР ЧЕТЛАТИЛДИ

Арманистонда ошқ дивизион уррашувларини бошқараётган барча ҳакамларни четлатишга қарор қилинди.

«Федерация президенти ҳакамларнинг ҳаракатларидан қониқмапти. Барчаси ўрганиб чиқилгандан сўнг шу қарор келди. Эндиликда учрашувларни қуйи дивизионларда ишлаган ҳакамлар бошқаришади. Бордию, муҳим ўйинларда тажрибали ҳакамларнинг хизматига муҳтожлик сезилмайдиган бўлса, хорижлик реферилар тақлиф этилади», — деди АФФ матбуот хизмати раҳбари Тигран Исраэлян.



ТУА ТАКЛИФНИ РАД ЭТДИ

Ўта оғир вазндаги таниқли боксчи Дэвид Туа Владимир Кличко томонидан билдирилган таклифни рад этди.

«Масалан, 2 миллион долларлик гонорарга рақиб излаётган пайтингда, сенга 400 минг долларлик таклиф билан чиқишса, бу кимга ҳам ёқарди», дейди Туанинг менежери Седрик Кушнер.



Яқинда Николай Валуев ҳам бу ҳақда ўз фикрини билдирган. «Кўплаб боксчилар Кличкога қарши рингга чиқишни хоҳлашмайди. Чунки улар таклиф этган пул ҳеч бир боксчини қониқтирмайди. Таклиф рад этилса, кўрокликда айблайди. Бунга кўпчилик боксчилар ўрганиб ҳам қолишди», дейди Валуев.

ЕР СИЛКИНИШИДАН УЙҒОНИБ КЕТИШДИ

Футбол бўйича Европа чемпионатида чиқиш учун Македония термасига қарши ўтказилган учрашувга тайёргарлик кўраётган россиялик футболчиларни тунги ер силкиниши уйғотиб юборди. Мутахассисларнинг айтишича, зилзила кучи 5,4 баллини ташкил этган. Бу ҳодиса Македония пойтахтидан 100 километр узоқликда бўлганига қарамай, Скопье аҳолисига яхшигина сезилган.

— Мен қаттиқ ухлаётган эканман, умуман сезмабман, футболчилардан ҳеч ким шикоят қилмади, — дейди табассум билан бош мураббий Дик Адвокат.

Интернет манбалари асосида Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ГУГУРТ ЎЙНАЁТГАН БОЛА ✓ ТАРБИЯ

Ота-онанинг ҳамма болаларини бир хилда кўриши тарбиянинг энг муҳим жиҳатидир. Кўп кузатганимиз, битта оилада катта бўлган болалар, кўпинча, феъл-атвор масаласида бир-бирига ўхшамайди. Бирови мўминтой, оғир, босиқ, гапга қулоқ соладиган, бошқаси бўш, ўжар бўлади. Шунинг учун бўлса керак-да, «Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи» дейишади. Эътибор берайлик, бунда фарзанд сонига эмас, аксинча тарбиясига урғу қаратилган!

Ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа:

...Уқасининг гугурт ўйнаётганини кўрган ака уни койиб, бу ишни иккинчи қилмаслики буорди. Яна қарасаки, ука қалтис ўйинни тарк этмабди. Бундан жажли чиққан ака ундан гугуртни олмоқчи бўлиб, қўлини қайиради, ука эса қаршилиқ кўрсатиб дод солади. Бу ўринда катта ўғил ҳақ Бебош укани тийиб, қўлидан гугуртни олиб қўймоқчи бўлди. Аммо она унинг яхши ниятини ёмонлик деб тушуниди ва фарзандини қаттиқ ҳақоратлади. Бу ҳолатда оғирлик, муроса қилиш керак эмасми? Ака ва укани ёнига чорлаб, каттасининг тўғри танбех бераётганини айтиш, акс ҳолда ёнгин чиқиб, бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкинлигини уқтириши лозим эди. Акага уканинг қулоқ солиши одобдан эканлигини ҳам тушунтириб қўйса ёмон бўлмасди.

Ота-она фарзандининг каттасини катта ўрнида, кичигини кичик ўрнида билиб, бирини иккинчисидан ортққ ёки кам кўрмай меҳр-муҳаббат билан тарбияласа, келажакда улар қобил ва комил бўлиб воёга етадилар.

Ойша ТЎРАЕВА,
профессор.

✓ ТАССУФ

МЕН НА ДЕЙМАНУ...

Машинада кетаётиб, радио эшитишга тўғри келди. Қайсидир каналдан интеллектуал ўйин бўлаётган экан.

Бошловчи:

— Хурматли тингловчилар, берилган саволларга тўғри жавоб топганлар ўз яқинларига салом ва табриklarини йўллаш имконига эга бўлишади. Телефон рақамларимиз: 8181.

Тезда кўнгирик бўлди. Танишувдан сўнг бошловчи савол берди:

— Норвегиянинг пойтахти?

— Вариантлар борми?

— Йўқ. Майли, сизга ёрдам бера қолай, жавоб тўртта ҳарфдан иборат.

— Эрон.

— Нималар деяяспиз? Эрон пойтахт эмас, давлат-ку! Уэр, сиз билан хайрлашамиз, марҳамат, кейинги иштирокчининг жавобини эшитайлик-чи.

— Шотландия.

Хуноб бўлган бошловчи учинчи иштирокчига ҳам мазкур шаҳар номи бор-йўғи 4 та ҳарфдан иборатлигини

тушунтирди. Коллеж ўқувчисининг жавоби ҳаммасидан ошиб тушди:

— Рим (!).

...Маҳаллий телеканаллардан бирида интеллектуал ўйин намойиш этилаётган эди. Бошловчи «Хумоюннома» асарининг муаллифи ким? деб савол берди. Тўғри жавоблар бўлавермади. Шунда бошловчининг ўзи «ёрдам» бера бошлади:

— Хумоюн буюк ватандошимиз, ғазал мулкнинг султони (!), бир қанча ғазал, ҳикоялар (!) муаллифи Бобурмирзонинг фарзанди бўлади!

Афсуски, ғазал мулкнинг султони Бобур эмас, Алишер Навоий ҳазратлари эканлигини, ўзбек адабиётига ҳикоя жанри XX асрнинг бошларидагина кириб келганини англамаган бошловчи «Хумоюннома» муаллифи Гулбаданбегим ҳақида ҳам маълумотга эга эмас экан. Шунинг учун ҳам у бир боғдан, бир тоғдан келаётганди...

Давронбек ТОЖАЛИЕВ



ЛОЖУВАРД — адабий асарларимизда кўп қўлланиладиган бу сўз кўк ранг маъносини билдиради. Шуниси диққатга сазоворки, тилимизда биргина «кўк» маъносини англатади турли сўзлар мавжуд: **кўк, мовий, осмоний, фирюза, ложувард, нилий, нилуфар, фирузагун.**

Ложувард гумбазлар қуёш нурларида ўзгача ярқирайди.
Газетадан

РЕЙС — ўзбекчага немис тилидан кириб келиб, кема, самолёт каби транспорт воситаларининг маълум маршрут бўйича қатнови маъносини англатадиган бу сўзнинг түб илдизи «саёҳат» деган мазмунни билдиради.

Тунги рейсда Тошкентга учиб келишнинг завқи бўлакча.
Газетадан

МЕЗОН — ўн икки буржнинг бири, Сунбула билан Ақраб оралигида жойлашган бурж «Мезон» деб аталади. Шунингдек, бу сўз Шамсия йил ҳисобида 22 сентябрдан 21 октябргача давом этадиган еттинчи ойнинг номини ҳам англатади. «Мезон» сўзининг түб илдизи **тарози, ўлчов, мувозанат, одиллик** деган маъноларни билдиради.

Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.

Мақол

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Сорлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНСИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Ғ — 932. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 8083.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАБОРОВ

Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ

Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,

Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 5